

Инвестициялар ва қурилиш

2017 йил январь-сентябрда вилоятнинг асосий капитални кўпайтиришга 2670,2 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилиб, шундан хорижий инвестициялар 408,4 млрд. сўмни ташкил этди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	2670,2	85,8	100,0
шу жумладан			
Марказлашган инвестициялар:	656,9	93,7	24,6
бюджет маблағлари	137,1	117,8	5,1
давлат мақсадли фонд маблағлари	70,2	52,3	2,6
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	217,6	501,3	8,1
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	232,0	57,0	8,7
Марказлашмаган инвестициялар	2013,3	80,5	75,4
корхоналарнинг ўз маблағлари	952,6	88,8	35,7
аҳоли маблағлари	412,8	72,7	15,5
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	176,4	77,5	6,6
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	471,5	74,6	17,6


2017 йил январь-сентябрда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби қуйида келтирилган:

	жами	Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	2670,2	246,4	2423,8
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида			
қурилиш-монтаж ишлари	45,8	75,2	42,8
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	49,0	20,6	51,9
Бошқа ҳаражатлар	5,2	4,2	5,3

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-сентябрга нисбатан машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 3,2 фоизли пунктга кўпайган.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2017 йил январь-сентябрда умумий майдони 537,2 минг кв.м. бўлган 4578 та шу жумладан қишлоқ жойларида 424,9 минг кв.м. уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 572,6 млрд.сўми ёки 21,4 фоизи турар-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-ҳунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоатлари қурилишида 68,4 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 8,5 фоизини ташкил қилади.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 46,6 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 5,7 ташкил қилади.

Коммунал қурилиш соҳасида 25,2 км узунликдаги ичимлик суви ишга туширилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига корхона маблағлари ҳисобига 1,5 млрд.сўм, миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.


Қурилиш фаолияти. 2017 йил январь-сентябрда 1115,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 98,1 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 74,3 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари 11,7 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 14,0 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 71,0 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1059,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 95,5 фоизни (2016 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 106,2 фоизни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



- Давлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлари мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари